

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 66 (65942)
1996 йил, 11 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Хурлик кўнғироғи

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг 5 йиллигини зўр шодлик ва кўтаринки руҳ билан кўтиб олди.

Бизнинг муқаддас байрамимизга айланган Мустақиллик кўнининг довриги барча мамлакатларга ёйилди. Ҳанузгача юртбошимиз номига турли мамлакатлардан келатган табрик мактубларининг нўҳояси йўқ.

Бу мактубларда озод Ватанимиз эришган ижобий ютуқлар ва мустақил тараққийнинг беш йилда суверен давлатнинг мураккаб тикланиш босқичидан муваффақиятли ўтиши бутун тинчликсевар давлатларни қувонтирганлиги ҳақида ёзилади. Шунинг билан бирга мамлакатлар, ўз табрик хатларида қўд-

ВАТАН ҚИСМАТИ

рати кўндан кўнга ошаётган ҳўр Ватанимизни дўстона муносабат, ижодий, иқтисодий ҳамкорликка чақирадилар.

Дарҳақиқат, бугун дунё кўз олдига қаддини тик ростлаган озод Ўзбекистонимиз ўз қадриятлари, тарихи маданияти, санъат ва адабийетини ривожлантириш йўлида анча имкониятларини белгиллади.

Айниқса, яқинда бир гуруҳ ҳамюртларимизнинг ҳўкуматимиз томонидан муносиб тақдирланиши, бизда ҳар бир таҳсинга сазовор хизмат эътиборсиз қолмаслигидан далолатдир.

Эртасини бекаму кўст яратиш ишқида яшаётган озод Ўзбекистонимиз мактаб, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини янада ойдинлаштириш мақсадида таълим ва тарбияда ислохотлар ўтказди. Ишончимиз комплики, келажакимиз бўлиши бугунги кўн ўқувчилари ўзларига қаратилган меҳрибонликни, эътиборни нўҳоятда чўқур тушуниб, Ватанга эътиқодли баанд, садоқатли инсонлар бўлиб етишадилар.

Истиқлол — муқаддас неъматимиз. Бу кўнларга етиб келгўнча қанча қўрбонликлар бердик.

Қанча курашлар, заҳматлар ортидан етишган мана шу неъматимизни асрай олишимиз, унга хўннат қилмаслигимиз керак.

Мактабда аъло баҳо ва намунали хўлққа ўқиш, эртанги кўннинг муносиб фарзанди бўлишга ўзни тайёрлаш, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини ардоқлаш, эзгу ҳислатларни юракка жо этиб, буюк боболар руҳи олдига бош эгиш, хўлпаски, озодликка пойиқ компли инсон бўлиб етилиш бугунги кўн ўқувчиларининг бурчидир.

Бу бурчнинг ўзига хос масъулиятини ҳис қилмоқ позимдир. Зеро, бу масъулиятда Ватан қисмати яшайди.

«Президент кубоги» турнири якунланди

ТОШКЕНТ ҲАММАГА ЁҚАР

Азалдан «Нон шаҳри», «Тинчлик ва дўстлик шаҳри» дея улуғлиниб келатган пойтахтимиз бугунги кўнда «Озод улка пойтахти», «Тинчлик, дўстлик, хотиржамлик шаҳри», «Меҳмондўсту ижодкор халқ шаҳри» деб аталмоқда.


Юртимизда учинчи марта ўтказилаётган «Президент кубоги» ўчўн анъанавий теннис мусобақасида қатнашиш ниятида келган дуненин 18 мамлакати вакиллари ҳам шўндай дейишди.

— Мен Ўзбекистонга ўч йилдан буен келиб кетаман, — дейди Исроилдан келган Ян Фруман. — Ҳар келганимда бирор янгиликнинг ёки ўзгаришнинг устидан чиқаман. Айниқса, қурилиш соҳасида бениҳоя катта ишлар амалга оширилмоқда. ...бўндай изланувчан, ижодкор халқ билан куп хайрли ишларни амалга оширса булади.

— Тошкент менга ёқиб қолди, — дейди швейцариялик теннисчи Иво Хубергер. — Ўз кузим билан куриб иқрор бўлдимки, Тошкент дўстлик, биродарлик, қўвноклик ва гузал санъат оламида ҳам беқиёс уринга эга экан.

Мен мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирини бошдан охиригача кузатар эканман, Ўзбекистонимизда, менин ғ она юртимда тўйларга тўйлар уланиб келатганидан кўнглим фаҳрга, гурурга тўлди.

Абдўмажид ТОШХўЖАЕВ,
Қўва тумани спорт мактаби қатнашчиси.



Шавкат, Аъзам, Солиқ ва мен спортга қизиқамиз. Айниқса теннисни яхши курамиз. Ҳатто уйимиз олдидаги болалар майдончасидан кичкинагина жой ҳам қилиб олганмиз. Бу ерда тез-тез мусобақалар ўюштириб тураимиз. Пойтахтимизда «Президент кубоги» мусобақалари ўтказилаётганда, биз уни қизиқиб билан кузатиб бордик. Жўфтлик баҳсларида галабага эришган ҳамюртларимиз Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценконинг ярим финалга йўлланма олиши бизни беҳад қўвонтирди.

Мамлакатимизга мутахассис сифатида тақлиф этилган исроиллик Ян Фруманнинг гапларидан гуруланса арзийди. У қисқа вақт ичида Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва қўллаб-қўвватлаши натижасида спорт соҳаси-

ҚИЗИҚҚАНИМ, СЕВГАНИМ — ТЕННИС

да улкан ишлар амалга оширилганлиги, ҳатто ўтган ўч йил ичида Ўзбекистон тенниси жуда куп жиҳатлари билан Исроилни орғда қолдириб кетганлиги ҳақида гапирди.

Хўллас, мустақил Республикаимизда рўй бераётган ажойиб воқеалар бизни доимо спорт билан мўнтазам шўгулланишга, аъло ўқишга, билимларни янада кўнг билан эгаллашга чорламоқда.

Шариф МУРОДОВ,
Ойбек САФАРОВ,
Маргилон шаҳар, «Киргули» посёлкаси.

8 сентябрь кўни «Президент кубоги» анъанавий теннис турнирининг расмий етилиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари турнир гўлиби Феликс Мантйяга бош соврин — «Президент кубоги»ни тантанали равишда топширилди.



ИФТИХОР

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо Бедил номли 13-мактабда 1867 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. Мактабга Шарофиддин ака Зайниддинов раҳбарлик қилади. Ўқувчиларга 132 нафар тажрибали, ўз касбининг фидойилари бўлмиш муаллимлар билим беришади. Адабиёт, алгебра, химия, тарих, рус тили, инглиз тили, расм, иқтисод фанларига ихтисослаштирилган 15 та махсус лицей синфлари мавжуд. Мазкур мактабнинг номи нафақат шаҳарда, балки вилоятда, республикада ҳам ибратли мактаблар қаторида тилга

олинади. «Йил мактаби» кўрик-танловида фахрли 2-ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас. Шаҳар миқёсида бўлиб ўтган мактаблараро «Санъат байрами» кўрик-танловида фахрли 1-ўрин яна шу мактаб ўқувчиларига насиб этди.

Илмий бўлим мудирини Махфират опа Мамадиева ташаббуси билан миллий маданият музейи, ҳамда фақат қизлар учун мўлжалланган «Нафосат» хоналари ташкил этилган. Мўъжазгина мактаб музейидан жой

олган халқимиз тарихига оид ҳужжат ва материаллар, уй-рўзгор буюмлари, миллий пибослар, зебузийнатларни ўқувчиларнинг ўзлари олиб келишган. «Нафосат» хонаси доимо қизлар билан гавжум бўлади. Мактаб хотин-қизлар кўмитаси раиси Раъно опа Темирова қизлар билан «Кўнгли сирлари» мавзuida шарқ қизларининг одоби, назокати, гузаллиги хусусида суҳбатлар уюштирилди. «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтқа-

зладиган кўппаб спорт мусобақалари, синфлараро беплашувларга ўсмирлар уюшмаси етакчиси Матлуба опа Ашурова бош-қош. Назира опа Ҳамидова раҳбарлик қилаётган инглиз тили тўғараги аъзолари ўз она тилларида қандай гапашсалар, инглиз тилида ҳам шундай сўзлаша оладилар. Тарих тўғараги аъзолари учун ёзган таътил кунлари жуда ма-

роқли ўтди. Улар Самарқанд, Қўқон, Фарғона каби кўппаб шаҳарларга саёҳатлар уюштиришди. Фан тўғарақларининг Фаолияти, мактабдошлари амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида мақолалар ёзиш, радиоузел орқали эшиттиришлар тайёрлашни «Ёш муҳбир», «Ёш қамқаш» тўғарақининг аъзолари қўйиллатишади.

Зеро, илмни, билимни ва зукко ўқувчилар мактабнинг фахри, мактаб эса уларнинг ифтихори!

Дилафрўз РАҲИМОВА.


Шаҳрисабз шаҳридаги Қуддус Муҳаммадий номли марказий болалар кутубхонасининг ташкил этилганига атиги икки йил булди, холос. Шу қисқа фурсат ичида бу зиё масканидаги китоблар сони ҳам, китобхонлар сони ҳам ортгандан ортиб бораётти. Айни пайтда 16854 дона китоб фондига эга булган кутубхона тумандаги 1450 дан зиёд ўғил-қизнинг сеvimли масканига айланган. Унинг 7 та тармоқли кутубхонаси мавжуд бўлиб, улар туманнинг турли жамоа хужалиқларида жойлашган. Шунингдек, туман халқ маорифи бўлимига қарашли 87 та мактаб кутубхоналарига ҳам амалий методик ёрдам курсатилляпти.

Кутубхонада турли қизиқарли тадбир ва учрашувлар, китобхонлар конференцияла-

КУТУБХОНА ЖУРНАЛ

ри, мушоиралар ўтказиш яхши бир анъанага айланиб қолган. Амир Темур таваллудини 660 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Амир Темур ҳаёти ва фаолияти», «Соҳибқирон юришлари» мавзuida беллашувлар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Унда Китоб тумани марказий кутубхонасининг «Амир Темур», ҳамда Шаҳрисабз тумани марказий кутубхонасининг «Соҳибқирон» гуруҳлари узаро куч синашдилар. Кутубхонада ташкил этилган китоблар кўргазмаси бошқа кутубхоналар ходимлари, мактаб ўқувчилари, боғча кичкинтойлари билан гавжум бўлади. Зиё маскани ходимлари Райҳон Тураева, Марзия Бобохонова, Назира Хушвақтова, Гулчехра Ғаниева ва Назира Холбобоеваларни доимо болалар даврасида учратасиз. Ёзги таътил кунларида бироз камайган китобхонлар сони яна ортган, кутубхоначиларнинг қули қулига тегмайди.

Хикоят БОБОЕВА,
Қуддус Муҳаммадий
номли марказий болалар
кутубхонаси.




Қашқадарёлик

ёш

муҳбирлар

ёзадилар



ШАҲРИСАБЗ, НИШОН МУБОРАК!

Хушxabарнинг қаноти булади, деганларича бор экан. Шаҳрисабзимизга, кўҳна Кешимизга олий нишон — «Амир Темур» ордени берилгани ҳақидаги хушxabар зумда ҳар ёнга таралди. Катта-ю кичикнинг дилида гурур, ифтихор. Ҳамма бир-бирини табриклаган, қучоқ очиб қутлаган, эзгу ниятлар, омад ва муваффақиятлар тилаган...

Шаҳримизни шу кунларда бир курсангиз эди. Туйга

ҳозирлик кураётган келинчак мисол ороланяпти. Узоқ йиллар давомида буюқлари учиб, деворлари нураб, хароба ҳолига келаётган Оқ-Сарой, Довут-тиловат мажмуи қайта таъмирланяпти. Дорус-саодат мажмуидаги Жаҳонгир мақбараси, Қалъаи мақбара ва Хонақаларда ҳам пардозлаш ишлари қизиқ кетган. Шаҳримизнинг ифтихори бўлмиш рамзий қалъа 185 метрга тикланди. Оқ-Саройнинг олдида бобо-

миз Амир Темур хибони бунёд этиляпти. Хибоннинг уртасида соҳибқироннинг ҳайкали қад ростлайди. Фавворалар қурилиб, гулзорлар барпо этиляпти, йўлчаларга қизил, оқ гранит ҳамда мраммар ётқизиляпти.

Кунда-кун чирой очаетган Шаҳрисабзимни кўргани, нишон билан муборақбод этгани бир келинг.

Гўзал ВОҲИДОВА.

ОҚ-САРОЙ БИЛАН «ТИЛЛАШАМАН»

Эй шаҳри Кеш! Нақадар гўзал диёрсан! Кўркамлигине, яшиллигине тилларда достон. Мен ҳам ана шу мукаддас маскан — соҳибқирон бобомиз Амир Темур юртида туғилганлигимдан, ажодларимизнинг табаррук изларидан юриб, зилол сувларингдан ичиб, мусарффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётганимдан фахрла-

наман. Тарихий обидаларинг, осмонлар минораларингга термулиб тўймайман. Уларга бокқаним сари бўйим чўзилиб, кўксим юксалиб бораётганидек туюлади. Темур бобомиз курдирган Оқ-сарой билан «тиллашаман». У менга ўтмиш ҳақида қизиқарли хикоятлар сўзлайди гўё. Меҳмоннавоз халқинг, тўкин дастурхонинг,

қантдек ўригун, майизларинг, бўрсилдоқ нонларинг ҳақида қанча сўзласам шунча оздек.

Эй, юксакликка интилаётган она шаҳрим — Шаҳрисабзим! Мусарффо осмонингда Хумо кушигине парвози янада баландроқ бўлсин!

Зариф ФУЗАИЛОВ
Мирзо
Абдулқодир Бедил номли
мактаб ўқувчиси.

Шаҳримиз марказига соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг урнатилиш тарафиди булаётган кунларда бир ажойиб хушxabар тарқалди: Ер остида 2 метрлар чамаси чуқурликда қорахонийлар даврига оид қадимий шаҳар қолдиқлари топилибди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институтининг «Турон» археология бўлими бошлиғи, истеъдодли олим Рустам Сулаймонов раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи тезда шу ерга етиб келишди. Пишиқ ва хом гиштдан қурилган паҳса деворларнинг қолдиқлари уларнинг пойдевори археологлар диққатини тортиди. Шаҳар ҳокимлигининг юбилей иншоотлари қурилиш ишларининг курсатмасига биноан қазил ишлари дарҳол тухташилди. Дастлабки кузатиш ва маълумотлар таҳлилига қура, бу жой халқимизнинг қадимий хунармандчилиги ривожланган кўҳна Кешнинг бир қисми экан.

КЕШИККА БИР ҚИСМИ ЭКАН

Ундаги XI-XII асрларга оид пишиқ гиштлар, сопол идишларнинг синиқлари, шаҳар ичкари-сидидаги узига хос айланма куча ва уйларнинг деворлари кишини хайратта солади.

Муаррихларимизнинг маълумотларига қура насил кучманчи, чорвалдор авлодидан булган қорахонийлар IX-X асрлардаёқ хунармандчиликнинг кони фойда эканлигини яхши билишган. Шунинг учун ҳам бу даврда шаҳарда косиблар сони 2-3 баравар кўпайган. Хунармандлар, кулоллар, темирчилар, заргарлар маҳаллари булган. Бухоронинг жанубидаги Номозгоҳ, шаҳар ичкари-сидидаги Маюки Агторий масжиди, ҳатто минораи Калон ҳам ана шу қорахонийлар даврининг ноёб ёдгорликларидандир. Кукгумбаз масжиди тагидаги иншоотлар ва эндиликда топилган шаҳарнинг чекка бир маҳалласи ҳам Шаҳрисабзнинг XI-XII асрлардаёқ узига хос йирик ва обод шаҳар булганлиги далолатидир. Бу топилмалар Шаҳрисабзнинг қарийб минг йиллик тарихи зарвараклари сифатида унинг ўтмиши ва кечмишидан сўзлайди.

Отабек АБДИЕВ,
Абдулазиз ЮСУПОВ,
13-мактаб ўқувчилари.

Филизхон, ёшликда ўқиганинг, мрамарга ёзганинг, қариликда ўқиганинг сувга ёзганинг, деган гапга қандай қарайсиз?

Туркияда ҳам шунга яқин бир гап бор: «Ёшликда қилганинг ибодет тоша ёзилади, қариликда қилганинг ибодет сувга ёзилади».

Дастлабки маълумот

Филиз Кирбош ўғли Арзрумда, Туркиянинг 400 мингга яқин булган нуфузли шаҳарларидан бирида туғилган. Ўзи фахрланиб айтишича, олти ёшида мактабга борган. Ўзбек тили ва кирилл ёзувини мустақил урганган. 22 йилдирки ўқигани ўқиган.

Илим Хитойда булса ҳам талаб қилинган, деганидек ўқишдан чарчамаган Филизхон мамлакатимизга илм истаб келган. Тугри, Хитойга бормаган, Ўзбекистонга келиб қўя қолган. Ахир илми шу ерда камолга етса (иши шу ерда битса) нима қилсин. Айтишича, докторлик иши «Гуруғли» дostonига доир ноёб материал (маълумот)ларни фақат Ўзбекистонда топиш мумкин экан. Айни кунларда Филизхон фольклоршунос ва бахшилар билан учрашиб юрибди.

Фольклоршунос олим, ёзувчи, бахшилар билан учрашавериб учрашувларга уста булиб қолган Филизхонга биз ҳам дуч келдик. Сўхбатимиз сабоқ-жавоб тарзида ўтди. Филизхон ҳеч нарсани яширмади, биз ҳам оширмадик. Жавобни айнан, ҳатто туркча лаҳжасига қадар сақлашга уриндик.

Савол-жавоб

— Филизхон, энг кичик пайтингизда қаттиқ таъсир қилган энг катта воқеа ёки одам ҳақида нима деёласиз?

— Энг кичик пайтимда таъсир қилган нарс тоғамнинг улими. У биз билан яшар эди. Уни жуда яхши қурар, кечқурун уйга келганда югуруп эшикда қучақига узимни ташлар эдим. Кейин кесел бўлди. Мен яна шунақа қилганимда анем, «Қизим, тоғамнинг лоҳас қилма» деса тоғам «Қўй опа, ҳеч нима булмайди» деб мени қучақлар эди. Кейин аҳвали оғир бўлди. Тушакда ётганидан гамгин булип, алдидан кетмес, эшикдан унга қарар эдим. Вафот этганида ҳамма жуда хафа бўлди. Шу лаҳзаларни ҳеч унутмайман... Кейин отам ва онамнинг улими менга жуда қаттиқ таъсир қилган. Уларни эслаганим эслаган. Эсламан десам камлик қилар, йиглаб уйлайман. Отам ва онам мени жуда севар эдилар. Отам мен билан шуғулланар эди. Лекин онам доим уйда булгани учун кўпроқ шуғулланарди. Юлдузларни курсатиб, отларини ургатарди. Яшил мошни, ловияни кичкина товоқчага со-

либ, пахтага ураб, устидан сув қуярди. У тез кунда кўкарарди. Бу жуда қизиқ булар эди. Онам бунни менга эринмай тушунтирарди. Яна стаканга солинган қошиқнинг нега синик кўринишини тушунти-

дим (хайран). Адабиёт ва фикр одамларига катта бир алақа туяр эдим. Асарларини қандай ёзганларига ҳайрон булар эдим. Ҳазир давлат адаларининг қилганларни, айтганларни сурак қиламан.

овқатни емас эдим. Уша вақт онам кичкина бир тава ичида қиймани пиширар, менга едирар эди. Энг суюмли таомим шу эди. Ҳазир ҳам иштан уйга кечта келсем, авкат тайёр булмаганда шунни пиширмақда-

руғли» дostonи тадқиқоти юзасидан. Мана энди шу иш юзасидан докторлик тадқиқотини олиб бораётир. 2 йил дарс бера туриб, имтиҳонларни топширгандан кейин 1995 йилда Тошкентга Тил ва адабиёт институтига келди. Докторлик тадқиқотини давом эттирмоқчи. Дарвоқе ўқув стипендияси 30 миллион лира.

ЯНА САВОЛ-ЖАВОБ

— Арзрумда кечган ёшлигингиз, синфдошларингиз ҳақида яна нималарни эслайсиз?

— Арзрумдаги уйимизни, уй хизматчимиз Нозлини кўп эсламан. Нозли менга кўп эртақ айттарди. Ҳар кеч биз бирга овқатланардик. Раҳматли отам сўхбатини кўп ва хўп эшитардик. Умр нашъали эди. Отам Меями Сафа, Тампане каби шоирларни жуда яхши қурар эди. Отам китобни узимга танлатиб олиб берар эди. Яхши эсламан. 5 ёшимда мени машина уриб кетди. 5 ой касалхонада булдим. Мен кичкина булганим учун синфдошларим қўлимдан тортиб уйнатар эди. Бизда ҳар бир дарс 40 минут булар эди.

— Энг яхши кўрган машғулотиңгиз нима?

— Энг яхши кўрган машғулотиңгиз тоққа чиқиш. Айниқса Арзрумдаги Паландукага чиқиш.

— Энг яхши кўрган китобингиз нима?

— Энг яхши кўрган китобим «Шимшак», «Чақмоқ» Хаём Сафо китоби. Фотиҳ китоблари.

— Энг яхши кўрган шоирингиз ким?

— Яҳе Камол. Унда шундай байт бор:

Сессиз геми

Артик демир олмоқ куни келмишсе замандан

Мечхула гиден бир геми қалқар бир лимандан

— Билим ҳақида нима деёласиз?

— Билим — биз яшаётган дунёнинг мутлақ қимматли бойлиги. Ўқимоқ зарур, билмоқ зарур.

— Болаларга маслаҳатингиз?

— Болаларга маслаҳатим шуки, улар билимли булсин, уларнинг уз маданияти булсину маданий жанговарлиги булсин.

Ўрол ЎЗБЕК сўхбатлашди

АРЗРУМЛИК ҚИЗНИНГ ЁШЛИГИ ЁХУД БИЛИМНИНГ БЕПОЁНЛИГИ ҲАҚИДА

рарди. Стаканга кўп шакар, кейин сув соларди, чой ва шакар аралашмасди. Кўп эртақлар айтиб берарди. Масалан, «Подшонинг уч ўғли», «Муннажимхўжа». Онам, айниқса, «Ошиқ Ғариб», «Лейли ва Мажнун», «Карам ва Асли» эртақ дostonларини кўп айтиб берарди. Кейин онам, уй ҳайвонларини жуда севарди. Қурбақадан қўрқардим. Онам қурбақани ушлаб берарди. Ургимчакдан қўрқардим, ургимчакни севдирар эди. Хуллас, ҳамма ҳайвону жониворларга муҳаббат қўйдиар эди. Кейин доим тайинлагани: инсонларга яхшилик қилинган, яхшилик қилинганлар, дегани эди.

— Кичиклигингизда катталар ҳақида қандай фикрда эдингиз-у ҳозир қандай фикрдасиз?

— Яқин муҳитимга қароб 35-40 яшдакиларни кексе қурар эдим. 60-70 яшдакиларни дуняда қиладиған ишлари қалмаган инсанлар, деб уйлардим. Ҳамма нарсани билдикларига ишанар эдим. Бази бизни тушунмаган, бази ҳам қилган ишларига ақил эрдир алмасдим. Бир яшдагилар (ақран) уртасидаги соғлом ва самимий алоқаларга жуда қизиқар эдим.

Ҳазир 35-40, ҳатто 60-70 яшдаки инсонларни энди кексе кўрмейман. Ҳамма нарсани ҳам била алмадикларига баҳо бермен.

Бизни замон замон тушуна олмадикларини ҳали уйлайман. У вақтим ақил эрдир олмадиким ишларни ҳазир тушуна оламен.

Ижтимоий алақаларига ҳали қизиқамен. Чунки инсанлар орасидаги муносабат аста-секин камейди. Инсонлар гавжумдан елгизликка тушедилар.

Узақ муҳитда эса алдин давлат одамларига қизиқар-

Адабиёт ва фикр одамларига эскидан бўлгани кеби қизиқмайман. Чунки ёзганларни ва айтганларни тушунур баҳо бера оламан.

— Қандай ўйин ва ўйинчоқларни ёқтирар эдингиз?

— Бебеклар билан уйнашни ёқтирар эдим. Уларга ҳерхил кийим-кечек тикер, улар билан соатларча уйнар эдим.

ман.

— Ўғил бола ва қиз бола орасида қандай фарқлар бор ва сиз қандай фарқлар бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Замонавий Туркияда қиз болалар ва ўғил болалар орасида асосан бир фарқ йўқ. Она-оталар, қиз ва ўғил, деб ажратмасидан болаларга таълим беришга ҳаракат қилдилар.

Анъанавий оилаларда ўғил бола насли давом эттиргани ишанжи билан янада қийматлидир. Бугун ҳам қиз ва ўғил болалар келгусида юкланадиган вазибаларга оилаларининг йўл курсатиши ва ёрдами билан тайёрландилар. Оналар қиз болаларга уй ишлари ва овқат тайёрлашни ургатади. Ўғил болалар ота ролини отадан урганади. Мактапларда қанунлар, қўлланмалар болаларни қиз, ўғил деб ажратмайди. Ўқитувчилар ҳам уларни бирар бола ўқувчи булароқ қарайди. Кўчада уйнар экан, қиз-ўғил ажратиши кўп булмаса ҳам табиатнинг берган ҳаракати ва болаларда юзага келган психология билан қиз ва ўғил болалар бир-бирларидан ажралишига мойиллик курсатадилар. Аммо биргаликда уйнадиклари ҳам кўпдир.

— Ота онангизу биродарларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳаммага ота-оналари, биродерлари яхши кўринадилар. Мен ҳам ота-онамни, биродерларимни жуда севарман. Ота-онам жуда билимли, маданиятли, сабр-тоқатли, фарзандларини жуда яхши қурар, ҳам ота-она, ҳам уртек кеби қараган инсанлар эдилар. Ҳамма муҳит уларни севар эди. Биродерларим ҳам шунақа. Унинг учун узимни ҳар доим бахтли қурарман.

— Кичиклигингизда энг яхши кўрган дўгона, дўстингиз билан ҳозир ҳам дўстмисиз?

— Тутта-бештаси билан ҳазир ҳам дўстмиз. Лекин ҳаммасидан яхшироқ кўрган битта дўстим бор эди. Узақ йиллардир унинг қардалигини билмайман.

— Болаликдаги энг суюмли таомингизни ҳозир ўзингиз тайёрлай оласизми?

— Болалигимда жуда иштаҳасиз эдим. Ҳар доим ҳар



(Боши ўтган сонларда)

Бир маҳал Санжар урнидан сапчиб турди. Менга «бир минут!» дегандай қилиб, залдан тез юриб чиқди.

— Печени оғриди шекилли, — деди Мадина.

— Сиз қаердан биласиз?

— Шунчаки...

Бироз вақт утказиб, йулакка чиқсам, Санжар курсида утирибди. Унг биқинига кафтларини бо- сиб инқиллар, энтикар эди. Ран- гига ранг йук.

Мен залга кираверишдаги те- лefonдан «Тез ёрдам»га кунги- рок қилдим. Ҳадемай Санжарни олиб кетишди. Кетишди-ю, «стол ҳақи» ҳам кетганини англадим.

Жуда эзилиб кетдим: уша Аваз- бекнинг қилган иши, швейцар соатимдан айрилганим едимга тушди.

Бироқ ҳозир Санжарни айб- лаб булмас эди: ахир, шу тобда кўзига пул қуринармиди!

Ресторанга қайтиб кирсам, Ма- дина гул-гул очилиб утирибди. Ҳа, нукул илжаюди.

— Уртоғингизни балнисага ку- затиб қуйдингизми? — деди.

— Ҳа, — дедим. — Жуда била- гон экансиз... Лекин энди кети- шимизга тугри келади. Мени Сан- жар таклиф этган эди, пул унда кетди. Шу ҳолидаям дастурхон учун...

Вей, ҳали бировнинг ҳисоби- дан мани таклиф этувдингизми? — чирсиллаб суради Мадина.

— Ҳа, энди, сизнинг уша ерда галати туришингиз узи... — чайна- либ қолдим. У гапимни булди:

— Қанақа йигитсиз-а! Чунта- гига бир мириси йуг-у, қизларни ресторанга таклиф этади!

— Секин.

У сумкасини олиб, елкалари- ни галати қимирлатиб, залдан чи- қиб кетди.

«Тавба, бояги гамгин қизми

фрақат ҳаёт абадга

шу?»
Мен яп-янги кастюмимни офи- циантга гаровга ташлаб, ресторан- дан қутулдим.

Бир ойдан кейин ойим, дадам ва акамдан олиб йиққан пулимни официантга бериб, кастюмимни олдим.

Айтмоқчи, Санжарни шифохо- нага жунатганимнинг эртаси кунни уни кургани бордим. Осма укол олиб ётган экан, Мени куриб жил- майди.

— Мадина хафа қилмадим сени?

— Йук. Сен уни танирмидинг? — деб сурадим ресторанда жим утирганини эслаб.

— Тугрисини айт, охирида ни- ма деди у? Сени пулинг... пулинг етмасди албатта. Кечир, дустим, эсимдан чиқити ушанда... Қана- қа қилиб кетди?

У яхши қиз эмас, — дедим мен.

— Бир вақтлар биз у билан яхшигина таниш эдик, — деди у шифтга боқиб. — Тез-тез учрашиб турардик... Дадамнинг иши орқа- га кетди. Куролмайдиган киши- лар туфайли иши органга тушди.

Дело очилди. Ушанда мен ҳам бир сумга зор булиб қолдим-у, Мадина мени ташлаб кетди.

Отасининг ишлари тагин ун- гланиб кетгач, дсмак, Санжар ҳам «унглангач», Мадина унга кунги-

рок қилган, лекин Санжар жавоб бермаган экан.

Яна вароклайман альбомни. Ма- на бу — менинг чин холам. Термиз яқинида яшайди. У кишининг уйи- га биринчи марта борганим кечагидек эсимда. Бунга бир неча йил булди...

Ушанда мен биринчи марта сом- сани сирка сепиб ейишларини кур- ганман. Қулукдан сув тортиб ичиш- ларини ҳам ушанда қурувдим. Ун- ча чуқур булмаган қулукчанинг тубида эса кичик-кичик балиқча- лар сузиб юрарди.

Уларнинг оиласи катта, маса- лан, дастурхонга бир утиришган- да, икки-уч соат бемалол утириш- ларини ҳам шунда куриб ҳайрон булганман: холам дуконда ишлар, хоҳлаган пайтида бориб очар, айрим нарсаларни уйда ҳам сотарди.

Қизиқ, улар яшаётган қишлоқ- нинг оти — Чашма эди. «Нега бундай, булоқ йук-ку?» деб сураганимда, «Шунақа, булоқ чиқсин» деб қуйишган дейдилар.

Хуллас, ҳайрон қолса буладиган нарсалар куп эди.

Охирги марта Чашмада турт ой муқаддам булдим. Бироқ мен бу сафарни сабрсизлик билан кутган эдим. Чунки дадамнинг ешликдан бирга катта булган битта дусту кат- та бизнесчи булиб кетган, дадам менинг тентираб юрганимни унга

айтгач, у киши: «Майли, келсин. Фирма очиб бераман. Магазини булади. Ишга ургатаман», деб ваъда берган эди.

Бундан олдинроқ — айнаи эз чилласида катта амакимнинг туйи- га — Термизга борганимда, туйхо- нада елиб-югуриб хизмат қилаёт- ган бир қиз билан танишган эдим.

Уни холам ҳам мактаган, биз икковлоннинг чой, товоқ таши- шимиз ва узаро арзимаган гаплар- дан кулишимизни куриб: «Тоҳир, шу қизга уйлансанг, яхши булар- ди. Тугемиз узилмас эди. Уйлаб кур. Бундай қизлар меҳнаткаш булади. Эрининг гапидан чиқ- майди. Ресторан, кафе деган нар- саларни билишмайди», деган эди.

Бу таклиф менга қутилимаганда маъкул тушган, қизнинг нималари- нидир Абorigен тоғамга ухшат- ган булсам, унинг қандайдир сод- далигини узимга ухшатандим чо- ги.

Қолаверса, ким булишимдан қатъий назар, уйланишим керак- ку! Балки уйлансам, ҳаётимда би- рон-бир бурилиш содир булар... Университетнинг филологиясига- ми, журналистикасигами — ки- ролмасам киролмапман!

Жаҳонгир

Бу мени адабиётдан совутол- майди...

Қолаверса, ҳамма ёзувчилар ҳам шу факультетларни бити- ришмаган!

Тугри, мен жуда унақа «ёзув- чи буламан» дея олмайман. Ам- мо ҳеч булмаса узим учун ёзиб юришим аниқ: ёзганимда ху- мордан чиқасанда киши: ҳатто ота-онангу дустларингдан сир тут- ган дарду қувончларингни ҳам «қоғоздан» яширмайсан...

Хуллас, туйнинг эртаси қиз- га ҳазил-ҳазил билан яқинда уйларига совчи юборишимни айтувдим, у кулибгина қуйди: у чиндан ҳам содда, покиза қиз эди.

Ана шунинг учун ҳам холам- нинг уйига — Чашмага бориш- ни бесабрлик билан кутаркан- ман, ҳаёлимда яна ёрқин манза- ралар қизила бошлаган эди: да- дамнинг уртоғи ёрдам берса, иш- ларим юришиб кетса, узим оёқ- қа туриб олсам, ҳаётим чиндан ҳам узгаради: уша қизга уйлан- сам, уни яхши куриб қолишга ҳам ишонаман...

Ниҳоят, сафарга отланадиган куним ҳам етиб келди. Юқорида айтган режаларим билан қан- дайдир куч-қувватга тулиб, ҳат- то шу боришдаёқ биринчи қада- мим — янги мустақил ҳаётга қуйган қадамимдек туюлиб, Тер- мизга жунадим.

(Давоми бор.)

ТОПИШМОҚЛАР

Духобага уралиб,

Етилар олтинлианиб.

Кессангиз тилик-тилик,

Паловда хил-хил илик.

Боғ оралаб топ Меҳри,

Топдим, топдим, бу —.....

Узи пиликдек оппок,

Бол йигиб пишар, оҳ-оҳ.

Меваси кумуш маржон,

Тотсангиз роҳатижон,

Баргидан булар шойи,

У боғларнинг чиройи.

Нима экан бу Маҳмуд,

Топдим, топдим, бу оқ!

Ер бағирлаб усади,

Эгри-бугри гавдаси.

Дарахт, қизиқ гулламай,

Ҳосил берар навдаси.

Меваси қора, сарик,

Ичида гиж-гиж тарик.

Тотлидир уни есанг,

Сут чиқар баргин узсанг.

Нима экан Жаҳонгир,

Менимча бу-чи.....!

МИТТИ Масаллар

ЎЧИРҒИЧ НИМА ДЕЙДИ?

Учиришга учираману лекин аслидай қила олмайман. Бари- бир изи қолади. Яхшиси, хато- га йул қуйманглар, — дея наси- ҳат қилди учирғич.

ШЕР БИЛАН ТУЛКИ

— Олампаҳо, — деди Тулки Шерга. — Мен сизни бир жойга

олиб бораман, роса товукқа туя- миз...

— Тулки бошлаган йулдан фақат Тулки юради, Шер юр- майди, — деди Шер.

ИТПАШША

— Жоним жуда қаттиқ-да, — деб қолди Итпашша.

— Итнинг тиши-чи?.. — дейишди унга.

БИР БИЛАН ИККИ

— Мен сендан икки баравар каттаман, — деб қолди Икки Бирга.

— Мендақадан иккита бул- сак — кейин сен буласан, — деб қолди Бир.

СИЁХ

— Рангинг нега заъфарон? — деб сурашди Сиёҳдан.

— Неча аср, неча замонлар- дан бери олимуну фузалол, адибу шуаролар хизматидаман, бал- ки шундандир, — деб жавоб қилди Сиёҳ. У ҳамон хизматда эди.

ТИЛ БИЛАН ҚУЛОҚЛАР

— Нега мен биттаман-у, сиз- лар иккитасизлар? — деб қолди Тил Қулоқларга.

— Камроқ гапириб, купроқ тинглаш учун-да, — деб жавоб қилишди Қулоқлар.

ИККИ ҚЎЛ

— Мунча ношудсан? — деб суради Унг кул Чап қулдан.

— Огзингга қараб гапир, мен юракка яқин тураман-а... — де- ди Чап кул.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ТОПИНГ-ЧИ?


Қуйида таърифланган сузларни топиб, шаклда рақамли хонадан марказ томон езинг.

1. Энг биринчи дарслик. 2. Араб алифбосидаги ҳарф. 3. Қуешнинг йиллик ҳаракатига асосланган, 21 мартдан бошланадиган йил номи. 4. Кун чиқиш пайти. 5. Мактаб уқувчилари журнали. 6. Санъат тури. 7. Шарқ, кун чиқиш томонининг қадимий атамаси. 8. Тикувчилик анжоми. 9. Ўзбекистон радиосининг усмирлар учун эшиттириши. 10. Куч улчови бирлиги. 11. Ҳисоб ил- мида, таркибидаги барча ҳарфий белгиларнинг барча қийматларида ҳам узгармайдиган тенглик. 12. Кимёвий элементнинг энг кичик зарраси. 13. Болаларнинг ёзги уйи-

ни. 14. Қадимий чавандозлик мусо- бақаси. 15. Араб мамлакатларидан бири. 16. Тухумсимон чузиқ, геомет- рик шакл. 17. Шафтоли меваси тури. 18. Мактабда дарс угиладиган хона. 19. Турт мисрали, тугал маъно ан- глатувчи шеър. 20. Уқишни узлашти- ришдаги яхши баҳонинг микдорий ифодаси. 21. Асли генуялик денгиз- чий сайёҳ, Куба, Гаити каби ороллар кашфиётчиси. 22. Дуне оксанлари- дан бири. 23. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан. 24. Заҳи- риддин Муҳаммад Бобур Ҳиндис- тонда пойтахтга айлантирган ша- хар.

Жавобларни тугри ёзган булсан- гиз, шакл айланаларидаги ҳарфлар- ни соат мили буйича кетма-кет уқи- нг. Ундан шарқ халқлари ҳикматла- ридан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФНИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма-тибоқ
Буортма — Г-6507.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босилиш вақти 19.00
Тошкентда — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Минъалимиз: 700083,
• Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25